



## КЎЧМАС МУЛКНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

**Тўлаков Улуғбек Тошмаматович** -  
Термиз давлат университети,  
Молия кафедраси доценти, PhD

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a63](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a63)

**Аннотация.** Мақолада хорижий давлатларда кўчмас мулк солиғи имтиёзларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унда ижтимоий аҳамиятга эга аҳоли қатламини ва кўчмас мулк объектларини солиқдан озод қилиш дунёнинг деярли барча давлатларига хос эканлиги асосланган. Шунингдек, сўнгги йилларда бир қатор ривожланган хорижий давлатлар кўчмас мулк солиғининг бюджет тушумларидаги улушини кўпайтириш ва солиқ юкининг адолатсиз тақсимланишини камайтириш мақсадида олиб борилган солиқ ислохотлари ўрганилган. Хулоса қилиб айтганда, мақолада кўчмас мулкни солиққа тортишнинг хорижий давлатлар тажрибаси кўриб чиқилган бўлиб ундан мамлакатимиз солиқ тизимида кўчмас мулк солиғидан фойдаланишнинг ижобий ва муаммоли томонлари ҳақида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** кўчмас мулк солиғи, солиқ солинадиган база, солиқ имтиёзлари, мол-мулкнинг кадастр қиймати, солиққа тортилмайдиган минимал, ижтимоий аҳамиятга эга объектлар, мулк солиғи, ер солиғи, кўпайтирувчи ва камайтирувчи коэффициентлар, маҳаллий бюджет, прогрессив солиқ,

## ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО НАЛОГООБЛОЖЕНИЮ НЕДВИЖИМОСТИ

**Тулаков Улуғбек Тошмаматович** -  
Доцент кафедры финансов  
Термезского государственного университета, PhD

**Аннотация.** В статье акцентируется внимание на льготах по налогу на недвижимость во всех зарубежных странах, исходя из того, что освобождение от налога социально значимого населения и объектов недвижимости характерно практически для всех стран мира. Также в последние годы изучены налоговые реформы, проводимые рядом развитых зарубежных стран с целью увеличения доли налога на недвижимость в доходах бюджета и снижения несправедливого распределения налогового бремени. Вкратце в статье рассматривается опыт зарубежных стран по налогообложению недвижимого имущества, на основании которого разработаны предложения и рекомендации о положительных и проблемных сторонах применения налога на недвижимое имущество в налоговой системе нашей страны.

**Ключевые слова:** налог на недвижимость, налогооблагаемая база, налоговые льготы, кадастровая стоимость имущества, необлагаемый минимум, социально значимые объекты, налог на имущество, земельный налог, повышающий и понижающий коэффициенты, местный бюджет, прогрессивный налог.

## EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN REAL ESTATE TAXATION

**Tulakov Ulugbek Toshmamatovich** -  
PhD, Associate Professor of the Department  
of Finance Termiz State University

**Annotation.** The article focuses on real estate tax benefits in all foreign countries, based on the fact that tax exemption for socially significant population and real estate is typical for almost all countries of the world. Also in recent years, tax reforms carried out by a number of developed foreign countries have been studied in order to increase the share of real estate tax in budget revenues and reduce the unfair distribution of the tax burden. Briefly, the article discusses the experience of foreign countries on the taxation of real estate, on the basis of which proposals and recommendations have been developed on the positive and problematic aspects of the application of real estate tax in the tax system of our country.

**Keywords:** real estate tax, taxable base, tax benefits, cadastral value of property, non-taxable minimum, socially significant objects, property tax, land tax, increasing and decreasing coefficients, local budget, progressive tax.

**Кириш.** Мулк солиғи, хусусан, кўчмас мулк солиғи азалдан барча давлатларда маҳаллий ҳукумат билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун, ер ва мол-мулк солиғи бюджет даромадларининг энг муҳим ва барқарор маҳаллий манбаи сифатида қаралишининг сабабларидан бири шундаки, солиқ ёки солиқ ставкасининг ўзгариши кўчмас мулкдан воз кечишга олиб келмайди.

Бошқа турдаги солиққа тортиш объектлари (даромад, фойда, хўжалик операциялари) билан солиштирганда мулкни яшириш қийинроқ, у нафақат тўлов қобилияти кўрсаткичи, балки даромаднинг потенциал манбаи ҳамдир, шунингдек мол-мулкка солиқ солиш ундан самаралироқ фойдаланишни рағбатлантиради.

Бугунги кунда кўчмас мулк солиғи дунёнинг қарийб 130 дан ортиқ давлатларида амал

қилади. Аниқланишича, бу давлатларнинг ҳар бирида мулк солиғининг ўзига хос тизими мавжуд. Шунга қарамай, мазкур солиқ тизимининг айрим тамойиллари ўзгаришсиз қолдирилиб, аксарият давлатларнинг қонунчилигида у ёки бу даражада ўз аксини топган.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларда мол-мулкка солиқ солиш кўчмас мулк солиғи асосида амалга оширилади. Хусусан, эгалик объекти сифатида кўчмас мулкка ва соф активларга (бойликка) солиқ солинади. Шунингдек, ривожланган хорижий давлатларда, кўчмас мулкка солиқ солишда турли солиқлардан (ер ва мол-мулк солиғи, бино ёки ижара солиқ) қўлланилади.

Давлат ўз олдига қўйган функцияларини бажариши учун унинг молиявий эҳтиёжларини қондира оладиган самарали солиқ тизимини яратиш керак. Бюджет тизими бир неча даражаларга эга бўлганлиги сабабли, ҳар бир давлат тегишли даражадаги ўз бюджетига эга. Давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий даражалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойилларидан бири бюджет федерализми тамойилидир. Бу шуни англатадики, маҳаллий ҳокимият органлари ўз вазифаларининг бир қисмини ўзларининг солиқ тушумлари ҳисобидан ҳал қилишлари керак, улар орасида мулк солиғи муҳим ўрин тутади.

Хорижий давлатларда кўчмас мулк солиғи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, турли мулк солиғини белгилаш орқали амалга оширилади. Мамлакатимизда ҳозирда ислоҳ қилинаётган мол-мулкни солиққа тортиш тизими учун ривожланган мамлакатлардан солиқ ундириш механизмларини қабул қилиш муҳим вазифадир.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Хорижлик замонавий иқтисодчилар томонидан ишлаб чиқилган кўчмас мулкка солиқ солиш тўғрисидаги тушунчалар И.Дрожжина, Д.Смирнов, Х.Алиев, Р.Маргулис, Э.Михина ва Э.Михасеваларнинг илмий ишларида келтирилган.

Хусусан, И.Дрожжина тадқиқотларида “ер ва бошқа кўчмас мулкка солиқ солишнинг ягона тартибини ўрнатиш тарафдори сифатида, кўчмас мулк объектларини мулкка ва ундан фойдаланиш турига қараб фарқлаш зарурлиги кўрсатилган” [1].

Д.Смирновнинг фикрича, “кўчмас мулк объектлари солиқ тўловчининг мақомига қараб” [2], Х.Алиевнинг фикрига кўра, “уларни фарқлаш фойдаланиш мақсадларига қараб амалга оширилиши керак” [3].

Р.Маргулис “ер ва бошқа кўчмас мулк объектларини солиққа тортишнинг алоҳида тартибини қўллаш доирасида солиқ тўловчига тегишли бўлган кўчмас мулк объектлари сони ва уларнинг ҳисобланган қийматини ҳисобга ол-

ган ҳолда, солиқ ставкасининг мураккаб прогрессив шкаласини қўллаш керак” [4] деб таклиф этган.

Шунингдек, Э.Михина “кўчмас мулк солиқ тўловчиларининг тоифаларига қараб молиявий фаровонлик даражасини ҳисобга олган ҳолда имтиёзларни қўллаш мақсадга мувофиқ” [5] деса, Э.Михасева эса “кўчмас мулкнинг индивидуал объектларига нисбатан имтиёзларни қўллаш мақсадга мувофиқ” [6] деб ҳисоблайди.

Хорижлик иқтисодчилар қаторида кўчмас мулкка солиқ солиш тўғрисидаги тадқиқотларни Ўзбекистонлик иқтисодчилар А.Алтиев, И.Ниязметов, Ш.Мусалимов ва С.Боймуротовларнинг илмий ишларида кўришимиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, маҳаллий иқтисодчиларимиз томонидан таклиф қилинган Ўзбекистонда кўчмас мулкка солиқ солиш ёндошувлари, шунингдек, ушбу йўналишда мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар хорижий давлатлар тажрибасига асосланган.

Солиқнинг ушбу соҳаси ислохотларини ўрганадиган замонавий ўзбек иқтисодчилари орасида И.Ниязметовни ажратиш керак, унинг тадқиқотлари кўчмас мулкни солиққа тортишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш тарихий равишда солиқ муносабатларига ер ва кўчмас мулк объектларини қўшишга асосланган деган хулосага олиб келади. Иқтисодчининг таъкидлашича, “ер ва мол-мулк солиқлари мамлакатдаги энг самарасиз солиқ бўлиб, уларни ҳисоблаб чиқариш ва ундириш билан боғлиқ солиқ маъмурчилиги давлатга анча қимматга тушмоқда. Шу сабабли, Ўзбекистонда мулккий солиқлар механизмларини такомиллаштириш орқали уларни таъсирчанлиги ва фискал аҳамиятини ошириш лозим.

Бунинг учун юридик ва жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари базасини унификациялаган ҳолда уларни ягона “кўчмас мулк солиғи”га бирлаштириш мақсадга мувофиқ” [7], деган таклифни илгари сурган. Шунингдек, унинг илмий ишларида хориж тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, кўчмас мулкка нисбатан солиққа тортилмайдиган минимум жорий қилиш ғоялари ҳам ўрин олган.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан А.Алтиев эса, “ер рентаси даромадларнинг бир қисмини ердан фойдаланувчи ернинг сифатини яхшилашга қаратилган харажатлари, тадбиркорлик қобилиятлари ва замонавий бошқарув тизимини жорий қилганлиги эвазига олади. Албатта, мазкур қисми (дифференциал рента-II) тўлиқ ёки қисман ер солиғи ёки ер ижараси объектига киритиш уларнинг фискал функциясини янада кучайтирган ҳолда бюджетга ер солиғи ёки ер ижараси бўйича тушумларни кескин кўпайтиради, лекин бу пировард натижада ер-

дан фойдаланувчининг мулкый ҳуқуқларининг бузилишига, ер солиғи ёки ер ижарасининг рағбатлантирувчи вазифаси амалга ошмай қолишига олиб келади” [8] деб таъкидлаган.

Иқтисодчиларимиздан Ш.Мусалимов фикрича, “мол-мулк солиғининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти солиқнинг мазмунидан келиб чиқади. Мол-мулкни солиққа тортиш орқали биринчидан, жамият бойлиги, у кимга тегишли бўлишидан қатъий назар солиққа тортиш механизми орқали мол-мулк тартибга солинади. Иккинчидан, бойликнинг муайян қисми давлат бюджетига-харажатларини молиялаштириш мақсадида қонунларда белгиланган тартибда қайта тақсимланади. Давлат юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкнинг кўпайишидан манфаатдор. Шу туфайли давлат ушбу мулклар дахлсизлигини таъминлаши, бутлигига кафолат беришни ўз зиммасига асосий вазифалардан бири сифатида олади” [9] дейилган.

С.Боймуротовнинг тадқиқотларида “мамлакатимизда ер ресурслари ва кўчмас мулклар

дан солиқ ундиришда амалдаги мол-мулкнинг ўртача қолдиқ қийматидан солиқ ҳисоблаш ўрнига, ҳалқаро солиққа тортиш қоидаларига мувофиқ кўчмас мулкларнинг бозор нархларида баҳолаб солиққа тортиш тартибига босқичма-босқич ўтиш мақсадга мувофиқ” [10] деб ҳисобланган.

**Тадқиқот методологияси.** Мазкур тадқиқотда статистик жадвал ва аналитик таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, гуруҳлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Ўзбекистонда кўчмас мулк солиғини тадбиқ этиш мақсадида ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинди.

Солиштириш учун, Ўзбекистонда кўчмас мулкка солиқ солиш юридик ҳамда жисмоний шахслардан олинadиган ер ва мол-мулк солиғи каби маҳаллий солиқлар орқали амалга оширилади. (1-жадвал).

1-жадвал

Хорижий давлатларда кўчмас мулк солиғи турлари

Солиқ номи	Солиқнинг номи инглиз тилида	Солиқ қўлланиладиган мамлакат
Ер солиғи, ер участкаларига ва ер эгаларига солиқ	Land tax (Land value tax (LVT), Site value rating), tax on plots, landholding tax	Австралия, Озарбайжон, Арманистон, Беларусия, Венгрия, Қозоқистон, Қирғизистон, Литва, Молдова, Россия, Румыния, Сингапур, АҚШ, Тожикистон, Тайвань, Украина, Франция, Швейцария, Эстония, Япония
Қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлардан олинadиган солиқлар	Tax on agricultural land, Tax on nonagricultural land	Албания, Грузия, Испания, Польша
Ўрмон фонди ер солиғи	Forest land tax	Польша
Кўчмас мулк солиғи	Real estate tax (Real property tax, Tax on immovable properties)	Австрия, Беларусия, Греция, Италия, Канада, Латвия, Македония, Молдова, Монголия, Нидерландия, Норвегия, Польша, Словакия, Туркия, Финляндия, Чехия, Швеция
Жисмоний шахсларнинг турар жойларига солинадиган солиқ	Tax on property of natural persons (Council tax)	Озарбайжон, Буюк Британия, Ирландия, Франция
Шаҳарлар учун кўчмас мулк солиғи	Urban property tax	Польша
Бино солиғи	Tax on buildings	Албания, Венгрия, Румыния, Франция
Фойдаланилмаган саноат ва савдо-маиший ҳудудлар учун солиқ	-	Қирғизистон
Мол-мулк солиғи (кўчмас мулк қисмида)	Property tax	Арманистон, Болгария, Дания, Қазахстан, Словения, АҚШ
Юридик шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи	Property tax of legal persons (Enterprise real estate tax, Tax on property of enterprises, Business rates)	Озарбайжон, Буюк Британия, Грузия, Ирландия, Литва, Россия, Тожикистон
Жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи	Property tax of natural persons (Tax on property of physical persons)	Грузия, Россия

**Манба:** муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида тайёрланган.

Маълум бўлишича, Ўзбекистонда солиқнинг ушбу турларидан тушадиган даромад да-

ражаси иқтисодий ривожланган давлатларнинг энг паст даражасига тўғри келади. Ўзбекистонда

ЯИМга нисбатан мулкый солиқларининг улуши 1% дан ошмаган, шу билан бирга ривожланган хорижий давлатларда бу улуш ўртача 2% ни ташкил қилган [11].

Кўчмас мулкни солиққа тортишдан тушадиган даромадлар даражаси бўйича давлатлар-

нинг таққослама таҳлилидан кўриниб турибдики, улар ўртасида катта тафовут мавжуд. Бундай тафовут ушбу давлатларда мавжуд мулкый солиқлар, шунингдек, уларни ташкил этиш хусусиятлари, солиқ маъмуриятчилиги сифати билан боғлиқ (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Кўчмас мулкни солиққа тортишдан тушадиган даромад даражаси бўйича давлатларнинг тақсимланиши

Мол-мулк ва ер солиғи	Кўйи даражали		Ўрта даражали		Юқори даражали	
	Давлат	%	Давлат	%	Давлат	%
Ер ва мол-мулк солиқларининг ЯИМдаги улуши	Эстония, Мексика, Чехия, Словакия, Австрия, Словения, Чили, Латвия, Норвегия, Швеция, Венгрия, Португалия, Финляндия, Польша, <b>Ўзбекистон</b>	0,3-1,4	Германия, Греция, Туркия, Россия, Швейцария, Дания, Ирландия, Исландия, Италия, Нидерландия, Янги Зеландия, Испания	1,5-2,4	Япония, АҚШ, Австралия, Исроил, Корея, Люксембург, Бельгия, Канада, Франция, Буюк Британия	2,6-4,1
Ер ва мол-мулк солиқларининг давлат бюджети даромадларидаги улуши	Эстония, Чехия, Австрия, Словакия, Словения, Мексика, Швеция, Германия, Норвегия, Финляндия, Венгрия, Латвия, Нидерландия, Португалия, Дания, Польша, <b>Ўзбекистон</b>	0,8-4,4	Туркия, Греция, Исландия, Янги Зеландия, Ирландия, Италия, Швейцария, Испания, Россия, Бельгия, Чили, Япония	4,9-9,4	Франция, Люксембург, Исроил, Австралия, АҚШ, Канада, Корея, Буюк Британия	9,9-12,5
Ер ва мол-мулк солиқларининг мулкый солиқлар даромадларидаги улуши	Люксембург, Швейцария, Туркия, Норвегия, Корея, Венгрия, Бельгия, Австрия, Чехия, Германия, <b>Ўзбекистон</b>	2,8-49,2	Ирландия, Испания, Финляндия, Италия, Греция, Португалия, Австралия, Нидерландия, Исландия, Франция, Чили, Мексика, Дания, Швеция, Япония	51,6-77,1	Буюк Британия, Словения, Исроил, Россия, Канада, Янги Зеландия, Польша, АҚШ, Словакия	81,4-100

Манба: муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида тайёрланган.

Буюк Британияда “кўчмас мулкдан фойдаланиш мақсадларига қараб турар ва нотурар жой объектларига солиқ солинади. Ушбу солиқларда солиқ солинадиган мулкнинг баҳоси турлича аниқланади. Шундай қилиб, нотурар жой объектлари учун солиқ солинадиган база кўчмас мулкнинг ижара қийматидан, турар жой объектлари учун эса унинг кадастр қийматидан ҳисобланади” [24]. “Ирландияда эса кўчмас мулк солиғи тижорат ва турар жой мақсадларида фойдаланиладиган кўчмас мулкка нисбатан

қўлланилади. Тижорат мақсадларидаги кўчмас мулкка солиқ солиш эгалланган майдоннинг номинал қиймати асосида, турар жой учун эса кўчмас мулкнинг бозор қиймати тўғрисидаги маълумотларга асосланади” [26]. Шунингдек у ерда маҳаллий ҳокимият идораларига тегишли бўлган, реализация қилинмаган, эгасиз, қурилиши тугалланмаган, ногиронлар яшаши учун мўлжалланган, шунингдек, халқаро ва хайрия ташкилотлари томонидан фойдаланиладиган кўчмас мулкларга имтиёзлар берилади.



Одатда, инфратузилма объектлари (автомобиль ва темир йўллар, қувурлар) билан боғлиқ, давлатга қарашли лекин маҳаллий ҳудудларда жойлашган кўчмас мулк объектлари солиқдан озод қилинади. Солиққа тортилмайдиган кўчмас мулк объектлари таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, хайрия ва халқаро ташкилотларга тегишли кўчмас мулк ҳам киради. Масалан, Мексика ва Эстонияда “муниципал мулкка тегишли халқаро ташкилотлар ҳамда дипломатик ваколатхоналарнинг кўчмас мулки солиқ солишдан озод қилинган” [22].

Ўзбекистондаги каби, аксарият ривожланган хорижий давлатларда, кўчмас мулкни баҳолашда кадастр қиймати солиқ базасини аниқлаш учун асос ҳисобланади. Шунингдек, хорижий давлатларда солиққа тортиладиган базани аниқлашда турлича ёндашилади. Ривожланган хорижий давлатларда кўчмас мулк солиғи кўчмас мулк объектларини сотиш баҳоси, кўчмас мулкни ижарага беришдан олинadиган даромад миқдори (ижара даромади), шунингдек, кутилаётган даромад миқдорига ёки капиталнинг ўсишига бевосита таъсир кўрсатадиган ушбу объектларга хос бошқа хусусиятлар асосида белгиланади.

Таъкидланишича, Белгия ҳамда Италияда “кўчмас мулкдан олинadиган даромад асосида солиқ солинадиган база ўрнатилади. Ушбу давлатлар ҳудудида ва ҳудудидан ташқарида жойлашган кўчмас мулк объектларига нисбатан солиқ солинадиган базани ёндашувлар асосида аниқланади. Белгияда жойлашган мулк солиғи базаси солиқ органлари томонидан ушбу мулкларнинг ижара қиймати сифатида белгиланади. Агар солиққа тортиладиган кўчмас мулк мамлакат ташқарисида жойлашган бўлса, солиқ солинадиган база баҳоланган ижара қиймати ва ҳақиқий ижара даромадининг суммаси сифатида белгиланган қийматдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади” [29].

Италияда “кўчмас мулк қайта баҳолашда тахмин қилинган даромад асосида солиққа тортилади. Натижада кўчмас мулкнинг икки тоифаси – турар ва нотурар жой кўчмас мулки мақсадларидаги коэффициентга кўпайтирилади. Италиядан ташқарида жойлашган кўчмас мулкка ушбу мулк жойлашган мамлакатда ўрнатилган (бозор қиймати) қиймати асосида солиқ солинади” [18].

Бир қатор ривожланган давлатлар қатори, “Венгрия, Словакия, Словения ва Чехияда, солиқ базаси кўчмас мулкнинг физик кўрсаткичи (майдони) асосида белгиланади. Масалан, Чехияда ер участкалари (қишлоқ хўжалиги ерлари бундан мустасно), улар жойлашган ҳудуд хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, майдони ва турига қараб солиққа тортилади. Қишлоқ

хўжалиги ерларининг солиқ солинадиган базаси бундай ерларни сотиб олиш нархидан келиб чиқиб ҳисобланади” [21]. Баъзи ривожланган хорижий давлатларда кўчмас мулкни солиққа тортишда солиқ солинадиган базани аниқлаш маҳаллий даражада мустақил ўрнатилади. Масалан, “Венгрияда ер солиғи учун солиқ базаси ернинг жисмоний кўрсаткичи (майдони) ёки қиймат индикатори (бозор қиймати) ҳисобланади” [29].

Кореяда “кўчмас мулк турига қараб турли ставкаларда, хусусан, ер участкалари учун 0,2% дан 4% гача, бинолар учун – 0,25% дан 4% гача, уйлар учун – 0,1% дан 4% гача солиқ солинади” [28]. Португалия ва Испанияда “қишлоқ ва шаҳар кўчмас мулки учун турли ставкалар белгиланса, Люксембургда эса, “кўчмас мулк солиғининг базавий ставкаси ишлаб чиқариш ва қурилиши тугалланмаган ер майдонларига нисбатан 0,7% дан 1% оралиғида белгиланган” [30]. Чехияда “ер ва мулк солиқлари ставкалари солиқ солиш объектларидан фойдаланиш мақсадларига (масалан, далалар, узумзорлар, боғлар) ёки ўтлоқлар, яйловлар, қўллар, ўрмонлар эгаллаган жойларга боғлиқ” [21]. Дания “биноларига солиқ ставкасининг қиймати кўчмас мулк объектларининг мақсадига боғлиқ. Данияда бино учун солиқ ставкаси, агар бино бир неча қаватдан иборат бўлса, ҳар бир қаватга кўпайтирилиши керак” [12].

Швецияда “саноат ва тижорат мақсадларида ишлатилadиган кўчмас мулк объектлари, шунингдек, ижарага олинган хонадонлар учун алоҳида ставкалар белгиланади” [12]. Польшада “солиқ ставкаси солиқ солинадиган кўчмас мулк турига ва ундан фойдаланиш мақсадига боғлиқ. Тижорат мақсадларида фойдаланиладиган ер участкалари учун кўчмас мулк солиғининг максимал ставкаси ҳар квадрат метр учун 0,9, бошқа ер участкалари учун – 0,47, турар жой бинолари учун – 0,75, тижорат мақсадида фойдаланиладиган бинолар учун – 23,13, бошқа бинолар учун – 7,77 Польша злотисини” [16] ташкил этган. Маҳаллий қонун чиқарувчиларга одатда солиқ ставкасини қонунчиликда белгиланган доирада ўзгартириш (камайтириш ёки кўпайтириш) ҳуқуқи берилган. Масалан, Ирландияда “маҳаллий маъмурият даражасида солиқнинг умумий ставкаси 15% дан ошмаган миқдорда ўзгартирилиши мумкин” [26]. Шунингдек, “Германия, Польша, Австрия, Люксембург ва Италияда ҳам, маҳаллий даражада маълум коэффициентларни қўллаш орқали солиқ ставкаси қийматини ўзгариш амалга оширилади. Масалан, Германияда “кўчмас мулк солиғи бўйича базавий солиқ ставкаси 0,35% гача кўпайтирилади” [26].

Таъкидлаш жоизки, баъзи ривожланган хорижий давлатларда маҳаллий даражада солиқ ставкаларини ўзгартириш (пасайтириш ёки ошириш) орқали худди шу турдаги кўчмас мулклардан самарали фойдаланиш сиёсати амалга оширилмоқда. Масалан, Финляндияда “аҳолиси зич бўлган шаҳар ҳокимиятлари ўзлаштирилмаган ерлар учун юқори солиқ ставкасини қўллаш мажбурий ҳисобланган. Ушбу чоранинг Финляндия қонунчилигига киритилиши ер участкалари эгаларини ерларни ишлаб чиқувчиларга сотишга ундаш зарурати билан боғлиқ” [12]. Португалияда “ҳар йили 1 йилдан ортиқ бўш турган ёки авария ҳолатида бўлган кўчмас мулк объектлари учун солиқ ставкаси ҳар йили 3 бараварга ошади” [25].

Муайян хусусиятлардан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг яна бир усули кўшимча солиқ тўловларини ўрнатишдир. Масалан, Чилида, “қурилиши тугалланмаган шаҳар ерлари учун кўчмас мулк солиғидан ташқари кўшимча солиқ олинади” [19]. Эстонияда, “иқтисодий фаолияти қонунчилик билан чекланган ер участкаларига нисбатан, ер солиғи 50 %га кўпайтирилади” [20]. Швейцарияда “кўчмас мулк солиғи учун коэффицентлар берилмайди ва солиқ ставкалари ҳар бир кантонда фарқ қилади” [15].

Хорижий давлатларда солиқ солинадиган объектларнинг қийматига қараб табақалаштирилган прогрессив солиқ ставкалари белгиланади. Масалан, Словенияда, “кўчмас мулк солиғи солиқ солинадиган мулкнинг баҳоланган қиймати 500 минг евродан, Ирландияда эса 1 миллион евродан ортиқ бўлган кўчмас мулк объектлари учун солиқ ставкаси 0,25% га оширилади” [26]. Данияда “саноат объектларида фойдаланиладиган бинолар қиймати белгиланган қийматдан ошмаса, 1 % миқдорида солиқ солинади. Солиқ солинадиган базасининг ҳажми Дания қонунчилигида белгиланган қиймат чегарасидан ошиб кетган саноат биноларига солиқ солиш 3% миқдорида ўрнатилади” [12].

Ривожланган хорижий давлатларда турар жой кўчмас мулкни солиққа тортишда солиқ юкини камайтириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий аҳволини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шу билан бирга, солиқ имтиёзларини тақдим этиш самарадорлиги уларни белгилаш мақсад ва зарурият тамойилига асосида таъминланади. Масалан, Франция ва Данияда “солиқ тўловчининг турар жойи учун кўчмас мулк солиғи унинг даромадидан олиб қўйилиши мақбул деб ҳисобланади” [14]. Буюк Британияда “мулк эгаси мулкдан якка тартибда фойдаланадиган бўлса, 25% шахсий мулк солиғи бўйича имтиёз турар жой мулкига нисбатан қўлланилади. Бундан ташқари, Буюк Британия-

да иккинчи даражали уй бўлган кўчмас мулк учун солиқ имтиёзлари 50 %, шунингдек, кам таъминланган уй хўжаликлари учун 100 % ни” [24] ташкил этади.

Кўчмас мулкни солиққа тортишда солиқ юки тенг ва адолатли тақсимланиши учун солиқ солиш уларнинг қиймат хусусиятларидан келиб чиқиши, ҳамда солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобланган қиймати билан мос бўлиши керак. Баъзи давлатларда “турар жой учун солиқ юкини камайтириш солиқ имтиёзини бериш ёки солиқ ставкасини пасайтириш орқали амалга оширилади. Масалан, Финляндияда солиқ тўловчининг доимий яшаш жойи бўлган кўчмас мулк объектлари учун 0,88 % дан 1,55 % гача белгиланган базавий солиқ ставкаси, 0,37 % дан 0,8 % гача” [12] камайтирилади.

Аксарият ривожланган давлатларда “кўчмас мулк қиймати тўғрисидаги маълумотлар катта оралиқда янгиланади. Масалан, Португалияда – 3 йилда, Туркияда – 4 йилда, Буюк Британияда – ҳар 5 йилда, Испанияда – 8 йилда, Норвегияда – ҳар 10 йилда бир марта, Дания ва Кореяда эса ҳар йили амалга оширилади. Бироқ, амалда, ривожланган хорижий давлатларнинг аксарияти кўчмас мулкни қайта баҳолашни белгиланган ёки режалаштирилган муддатларда амалга оширмайди”. Натижада, “мулкнинг баҳоланган қиймати унинг бозор баҳоси ёки йиллик ижара қийматидан фарқ қилади. Шундай қилиб, Австрияда кўчмас мулк солиғи бўйича солиқ мажбуриятлари миқдорини ҳисоблаш 1973 йилда, Буюк Британияда – 1991 йилда, Белгияда 1975 йилда, Германияда эса 1964 йилда аниқланган кўчмас мулкнинг кадастр қиймати асосида амалга оширилади.

Барча давлатлар бу қийматни инфляция даражасига қараб индекслашади ва уни ҳисобга олган ҳолда тузатадилар” [13]. Чилида “солиқ солиш мақсадлари учун кўчмас мулкнинг кадастр қиймати 4 йилда бир марта қайта баҳоланади, бунда кадастр қиймати ҳар 6 ойда бир марта инфляция қилинадиган тузатишларни ҳисобга олади” [19]. Шунингдек, солиқ мажбуриятларининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида кўчмас мулк қийматини қайта баҳолашда, кўчмас мулк солиғини 10% дан оширмайдиган чеклов ўрнатилади.

Доимий қайта баҳолашнинг асосий тўсиғи бу уларни амалга ошириш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги. Шу сабабли етарли молиявий ресурсларга эга бўлмаган муниципалитетлар солиққа тортиладиган кўчмас мулк қийматини индексация қилишга мажбурдирлар (одатда 3 йилдан 5 йилгача). Демак, “баъзи давлатларда қайта баҳолашда битта индекс ёрдамида индексация қилинса (масалан, қурилиш қиймати индекси, истеъмол нархлари индекси),

бошқалари бир нечта индексларнинг комбинациясидан фойдаланадилар. Бироқ, вақт ўтиши билан кўчмас мулк қийматини доимий равишда индексациялаш солиқ солиш объектларининг кадаст ва ҳақиқий бозор баҳоси ўртасида сезиларли фарққа олиб келади, шунингдек, солиқ маъмуриятчилиги мақсадлари учун кўчмас мулк тўғрисидаги зарур маълумотларни янгилашга имкон бермайди” [23].

Маълум бўлишича, “хорижий давлатларда солиқ солиш мақсадида кўчмас мулк объектларининг ҳақиқий қийматини аниқлашнинг иложи йўқлиги сабабли ортиқча солиқ юкининг пайдо бўлишининг олдини олиш ва салбий таъсирларини камайтириш мақсадида кўчмас мулк қиймати одатда унинг баҳосига нисбатан пастроқ даражада белгиланади. Шу билан бирга, айрим давлатларда солиққа тортиладиган қийматни аниқлаш мол-мулк (турар ёки нотурар жой) мақсадида, бошқа давлатларда кўчмас мулк (ер ва бошқа кўчмас мулк) туридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Шундай қилиб, Чилида кўчмас мулкнинг солиққа тортиладиган қиймати турар жой кўчмас мулки учун ҳисобланган қийматининг 63% ини ва нотурар жой кўчмас мулки учун 79% ини ташкил этади” [19]. Шунингдек, “кўчмас мулк солиғи ер солиғи солинадиган объектлар жорий қийматининг Кореяда 70 % и, Финляндияда 74 % и ҳамда бинолар учун Кореяда 60 % и, Финляндияда 70 % и миқдорида ундирилади” [28].

Венгрияда “ер участкасининг қийматидан келиб чиққан ҳолда ер солиғи олинадиган бўлса, солиқ солинадиган база тегишли ер участкаси бозор қийматининг 50% ига тенг бўлган қийматдан ҳисобланади” [29]. Францияда “хусусий мулкка эга бўлган ёки ўрмон хўжалигида фойдаланиладиган ерлар учун солиқ солинадиган қиймат ушбу ер ижара қийматининг 80% и, бошқа кўчмас мулк учун 50% и миқдорида белгиланади” [14]. Норвегияда “шаҳар кўчмас мулкдан солиқлар ушбу кўчмас мулк сотилган қийматининг 20% дан 50% гача бўлган қийматидан олинади” [17].

Португалияда “бинонинг ўртача нархини, шунингдек, майдони, тури, сифати, ёши, жойлашган жойи бўйича ҳисобга олинадиган ва солиқ солинадиган қийматни бозор қийматининг 80% дан 90% гача камайтиришга имкон берадиган махсус тузатиш коэффициентлари қўлланилади” [25]. Люксембургда “кўчмас мулк солиғи солиққа тортиладиган объектлар бозор қийматининг 5 % дан 10 % гача қисмига камайтирилади” [30].

Грецияда олиб борилган солиқ сиёсати “прогрессив солиққа тортиш орқали солиқ юкини янада тенг тақсимлашни назарда тутди. Шу сабабли, у ерда кўчмас мулкнинг ҳақиқий

қиймати тўғрисида маълумотларнинг йўқлиги, уларнинг жойлашган майдонига қараб солиқ солиш билан қопланади. Италияда солиқ маъмуриятчилигининг самарали фаолияти учун шароит яратишга қаратилган ислохотларга устуник берилди. Шу муносабат билан маҳаллий бюджетлар тушумларини кўпайтириш ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида кўчмас мулк солиқларини белгилаш ваколатлари маҳаллий ҳокимият органларига берилган. Буюк Британия ва Ирландияда кўчмас мулкнинг баҳоланган қийматини ҳисобга олган ҳолда табақалаштирилган солиқ ставкасини белгилашнинг асосий талаблари солиқ тушумларининг содда ва барқарор манбалари ва солиқ тўловчилар учун доимий ва башорат қилинадиган солиқ мажбуриятларининг мавжудлигида бўлган” [26].

Ислохотлар натижасида Ирландияда солиққа тортиладиган шахслар сони янада кенгайди. Шу билан бирга, солиқ тўловчилар учун солиқ мажбуриятларини тўлаш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун Ирландия қонунчилиги солиқ тўловларини тўлашни кечиктиришни тақдим этиш имкониятини назарда тутган. Хусусан, бир йилда ялпи даромади белгиланган миқдордан паст бўлган солиқ тўловчилар учун унинг молиявий ҳолати яхшиланмагунча солиқ тўлашни кечиктириш мумкин.

Кўчмас мулк бозорида нархлар кўтарилиш даврида ипотека кредитини олган солиқ тўловчилар учун солиқни кечиктиришнинг узоқроқ муддатлари белгиланади. Шунингдек, “солиқ тўловини кечиктириш вафот этган солиқ тўловчининг вакилига ҳам берилиши мумкин, агар унинг мол-мулки сотилмаган ёки унга бўлган ҳуқуқ солиқ тўловчининг вафотидан кейин 3 йил ичида берилмаган бўлса. Шунини ёдда тутиш керакки, Ирландияда бир йил давомида кечиктирилган солиқ тўловлари миқдорига нисбатан, ҳисобланган солиқ сумманинг 4% миқдорида қўшимча солиқ тўланади” [26].

Сўнгги йилларда бир қатор ривожланган хорижий давлатлар кўчмас мулк солиғининг бюджет тушумларидаги улушини кўпайтириш ва солиқ юкининг адолатсиз тақсимланишини камайтириш мақсадида солиқ ислохотларини ўтказдилар. Айрим хорижий давлатларда кўчмас мулкка солиқ солишни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар 3-жадвалда келтирилган.

Хорижий давлатларда кўчмас мулк объектларини солиққа тортишни такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар таҳлили кўчмас мулк объектларидан бюджетга солиқ тушумларини кўпайтириш бўйича турли асосий чоралар қўлланганлигини кўрсатади.

## Хорижий давлатларда амалга оширилган кўчмас мулк солиғи ислохотлари

Мамлакат	Муаммо	Ечим	Кутилаётган натижа
Буюк Британия	Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкнинг ҳақиқий қиймати тўғрисида маълумот йўқлиги	Солиқ ставкаларининг табақалаштирилган тизимини ва кўчмас мулкни баҳолаш тизимини жорий қилиш	Бюджет учун солиқ тушумининг оддий ва барқарор манбаи
Греция	Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкнинг ҳақиқий қиймати тўғрисида маълумот йўқлиги	Кўчмас мулкни жойлашган жойига қараб солиққа тортиш	Адолатли солиқ тақсимоли
		Ўрнатилган зона мультипликаторини қўллаш	Мультипликатор кўчмас мулкни янада прогрессив солиққа тортишга ёрдам беради
Ирландия	Солиқ тўловчилар - жисмоний шахсларга нисбатан солиқ юкининг юқорилиги	Солиққа тортиладиган объектлар рўйхатини кенгайтириш	Солиқ тўловчиларнинг асосий яшаш жойига нисбатан солиқ юкини камайтириш
	Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкнинг ҳақиқий қиймати тўғрисида маълумот йўқлиги	Солиқ ставкаларининг табақалаштирилган тизимини ва кўчмас мулкни баҳолаш тизимини жорий қилиш	Тўловчилар учун барқарор ва прогнозли солиқ мажбуриятлари
Италия	Кўчмас мулкни бозор қийматига қараб солиққа тортишга ўтиш натижасида солиқ юкининг ошиши	Солиқ тўловчилар даромад манбаидан солиқни ушлаб қолиш имконияти; Солиқ тўлаш учун имтиёзли даврни бериш	Даромади паст даражадаги аҳолининг ижтимоий қатламларини ҳимоя қилиш
	Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкнинг ҳақиқий қиймати тўғрисида маълумот йўқлиги	Маҳаллий ҳокимият органларининг солиқ ставкасини ошириш (камайтириш), солиқ имтиёзлари миқдорини ўзгартириш ҳуқуқларини кенгайтириш	Адолатли солиқ тақсимоли
Канада	Кўчмас мулкни солиққа тортиш мақсадида қиймат гуруҳлари бўйича саралаш тизимининг самарасизлиги	Кўчмас мулкни қайта баҳолаш муддатини узайтириш; Оширилган солиқ ставкасини қўллаш мақсадида лимитни ошириш; Солиқ тўлаш учун имтиёзли даврни бериш	Солиқнинг тенг тақсимланиши ҳисобига кўчмас мулкка солиқ солишнинг салбий таъсирини камайтириш

*Манба:* муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида тайёрланган.

Шу билан бирга, ислохотлар натижасида имтиёзлар қамровини камайтириш орқали солиқ тўловчилар доираси кенгайтирилган, солиқ ставкаларининг табақалаштирилган тизими ўрнатилган, шунингдек, солиқ тўловчилар молиявий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда солиқ тўлаш учун турли хил имкониятлар берилган. Таъкидлаш жоизки, давлатлар ўртасидаги кўчмас мулкнинг ҳақиқий қиймати тўғрисида етарли маълумот йўқлиги, солиққа тортишнинг салбий оқибатларини камайтиришга бўлган ёндашулардаги фарқлар, ушбу давлатларда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг йўналишлари билан боғлиқ.

**Хулоса ва таклифлар.** Кўчмас мулкни солиққа тортишда хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили шуни кўрсатдики, айрим давлатларда ушбу солиқ бўйича фарқлар ёки ўхшашликларга қарамай ер ва бошқа кўчмас мулк объектлари алоҳида солиққа тортилади. Шу билан бирга, кўчмас мулк объектларига солиқ солиш тартибини белгилашнинг асосий мезони, кўчмас мулкни амалда фойдаланиш турларига қараб фарқлаш ҳисобланади. Одатда, нотурар жой

кўчмас мулкнинг айрим турлари хусусан, инфратузилма ва ижтимоий аҳамиятга эга объектлар солиқ солишдан озод этилади. Давлат томонидан ҳимояга муҳтож аҳолининг айрим тоифалари учун юкини камайтириш, солиқ тўловчининг амалдаги тўлов қобилиятини ҳисобга олган ҳолда солиқ мажбуриятларини энг паст даражада белгилаш йўли билан амалга оширилади. Бундан ташқари, хорижий давлатларнинг қонунларида кўпинча турар жой кўчмас мулкнинг солиққа тортилмайган минимал чегара қиймати белгиланиши кўзда тутилган.

Табақалаштирилган солиқ ставкасининг ўрнатилиши солиқ юкининг янада адолатли тақсимланишига ёрдам беради. Одатда, нотурар жой мулклари учун солиқ ставкаси турар жой мулклари ставкаларидан юқори бўлади. Бундан ташқари, табақалаштирилган солиқ ставкасидан фойдаланиш кўчмас мулкдан самаралироқ фойдаланишга ёрдам беради ва кўчмас мулкни солиққа тортишда бюджетга қўшимча даромад олиш имкониятини яратади. Айрим хорижий давлатлар солиқ солинадиган кўчмас мулк қий-



матига қараб турли солиқ ставкаларини қўллайдилар.

Аксарият ривожланган хорижий давлатларда кўчмас мулкнинг баҳоланган кадастр қиймати солиқ базасини ҳисоблаш учун асос сифатида хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, олинган натижаларни ҳозирги кунгача сақлаб туришни талаб қиладиган кўчмас мулкнинг кадастр (бозор) қиймати кўчмас мулкни баҳолаш натижасида аниқланади. Бироқ, солиқ солиш учун зарур бўлган маълумотларни янгилаш бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ушбу қийматни белгиланган муддатларда қайта баҳолаш молиявий ресурсларнинг етишмаслиги сабабли амалга оширилмай қолаверади. Бунга риоя қилмаслик оқибати, мулкнинг баҳоланган ва ҳақиқий қиймати ўртасида сезиларли тафовутларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Шу сабабли, бюджетга кўчмас мулк солиғи тушумларининг камайишини олдини олиш учун, одатда, кўчмас мулк қийматининг индексацияси амалга оширилади. Аммо кўчмас мулкни солиққа тортиш мақсадида қайта баҳолаш муайян қийинчиликларга олиб келади. Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигининг пасайиши ва солиқ юқининг нотекис тақсимланиши натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар амалда кўчмас мулк баҳосининг маълум фоизи асосида солиққа тортиш йўли билан юмшатилади.

Кўриб чиқилган хорижий давлатлар мисолида кўчмас мулк объектларини солиққа тортиш бўйича хорижий тажрибани таҳлил қилиш Ўзбекистонда қўллаш учун зарур бўлган қўйидаги таклиф ва тавсиялар чиқаришга имкон беради:

- ер участкаси ва бинога биргаликда солиқ солишни жорий этиш, натижада, ер участкаси ижарага берилган тақдирда солиқ мажбуриятларини фарқлаш;

- ер участкалари ва биноларнинг ягона кадастр ҳисобини яратиш;

- солиқ солинадиган йилга қадар маълум бир даврдаги операциялар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланган мол-мулкнинг тахминий қийматидан солиқ солинадиган база сифатида фойдаланиш, уни маълум вақтдан кейин қайта ҳисоблаш (солиқ солиш объектларининг қиймати ўзгариши асосида аниқланади) ёки конвертация омилларидан фойдаланиш;

- мавжуд усуллардан фойдаланган ҳолда тахминий қийматни ҳисоблаш (нарх, даромад ва таққослаш), мулк ҳолатидаги жисмоний ва функционал эскиришни ҳисобга олиш (хусусий-иктисодий);

- солиқ имтиёзини бериш имконияти – солиқ мажбуриятини тўлаш муддатларини ўзгартириш;

- баҳолаш натижалари бўйича манфаатдор шахс ҳисобидан хусусий ёки жамоавий тартибда шикоят қилиш имкониятини яратиш.

Хулоса қиладиган бўлсақ, мамлакатимизда юқорида кўрсатилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши маҳаллий бюджетлар даромад манбаини оширади ва кўчмас мулк объектларини (ер участкалари ва бинолар) кадастр рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради. Кўчмас мулкни солиққа тортишнинг хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш натижаларидан мамлакатимиз солиқ тизимидаги кўчмас мулкка солиқ солишни ривожлантириш ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

#### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Дрожжина И.А. *Формирование системы налогообложения объектов недвижимости на основе дифференцированного подхода: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Дрожжина Ирина Алексеевна. – Орел, 2005. -188 с.*
2. Смирнов, Д.А. *Теория и методология имущественного налогообложения: дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.10 / Смирнов Денис Александрович. – М., 2010. – 392 с.*
3. Алиев, Х.Б. *Развитие налогообложения недвижимого имущества физических лиц в Российской Федерации: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Алиев Хаджимурад Басирович. – Махачкала, 2012. – 169 с.*
4. Маргулис, Р.Л. *Совершенствование налогообложения недвижимого имущества физических лиц: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Маргулис Роман Львович. – М., 2010. – 187 с.*
5. Михина, Е.В. *Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Михина Елена Владимировна. – М., 2005. – 250 с.*
6. Михасева, Е.Н. *Формирование и развитие системы налогообложения недвижимости в России: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10 / Михасева Елена Николаевна. – Волгоград, 2008. – 156 с.*
7. Ниязметов, И.М., *Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 2018. – 274 б.*
8. Алтиев, А.С., *Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. 2018. – 277 б.*
9. Мусалимов, Ш.И. *Мол-мулк солиғини ҳисоблаш ва ундириш механизмини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2020. – 58 б.*
10. Боймуротов, С.Р., *Маҳаллий бюджетлар даромадларини барқарорлаштиришда ер ва мол-мулк солиқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари. PhD илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. – Т., 2021. – 57 б.*
11. *Интернет пегурч: <https://data.oecd.org/tax/tax-on-property.htm>. Мурожаат санаси: 10.01.2023 й.*
12. *Ambagtsheer-Pakarinen, L. Denmark – Corporate Taxation / L. Ambagtsheer- Pakarinen. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Denmark*

13. Blochliger, H. *Reforming the Tax on Immovable Property: taking care of the unloved* / H. Blochliger. – OECD Economics Department Working Papers.
14. Burg, P. *France – Corporate Taxation* / P. Burg. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – France
15. Cadosch, R. *Switzerland – Corporate Taxation* / R. Cadosch. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Switzerland
16. Doom-Olejnicka, M. *Poland – Corporate Taxation* / M. Doom-Olejnicka. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Poland
17. Furuseth, E. *Norway – Corporate Taxation* / E. Furuseth. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Norway
18. Gallo, G. *Italy – Corporate Taxation* / G. Gallo. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Italy
19. Gutierrez, C. *Chile – Corporate Taxation* / C. Gutierrez. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses Chile
20. Herm, M. *Estonia – Corporate Taxation* / M. Herm. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Estonia
21. Mkrtchyan, T. *Czech Republic – Corporate Taxation* / T. Mkrtchyan. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Czech Republic
22. Morett, M.E. *Mexico – Corporate Taxation* / M.E. Morett, F.L. Cepeda. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Mexico
23. Norregaard, M.J. *Taxing Immovable Property Revenue Potential and Implementation Challenges* / M.J. Norregaard. – International Monetary Fund.
24. Obuoforibo, B. *United Kingdom – Corporate Taxation* / B. Obuoforibo. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – United Kingdom
25. Oliveira Braga, T. *Portugal – Corporate Taxation* / T. Oliveira Braga. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Portugal.
26. Ostaszewska, O. *Ireland – Corporate Taxation* / O. Ostaszewska. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Ireland
27. Perdelwitz, P. *Germany – Corporate Taxation* / P. Perdelwitz. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Germany
28. Saw, R. *Korea – Corporate Taxation* / R. Saw. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Korea.
29. Torma, L. *Hungary – Corporate Taxation* / L. Torma. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Hungary.
30. Verschueren, C. *Luxembourg – Corporate Taxation* / C. Verschueren et al. – IBFD, Tax Research Platform: Country Analyses – Luxembourg.
31. Niyazmetov, I., Voronin, S., Koraboev, B., Ugay, D., (2021). *Ways of property tax reform in the republic of Uzbekistan. Obshchestvo i ekonomika, (3), 30-43.*
32. Niyazmetov, I., Voronin, S., Koraboev, B., Ugay, D., (2021). *International experince in real estate taxation. Obshchestvo i ekonomika, (2), 119-130.*
33. Тўлаков, У.Т. (2022). *Кўчмас мулкни солиққа тортишда имтиёзлар самарадорлиги. Scientific Journal of "International Finance & Accounting", 5(6), 68-78.*
34. Tulakov U.T., (2022). *Trends in the Development of Real Estate Taxation in Uzbekistan. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 9(12), 241-248.*
35. Тўлаков У.Т., *Кўчмас мулкни солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш: Монография / У.Т.Тўлаков. – Термиз: ТерДУ нашр-матбаа маркази, 2022. – 128 б.*



**БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛИНИШ ВА БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲҚАМЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МАСАЛАЛАРИ**

 [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a64](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a64)

**Турабов Баходир Тўхтамишович -**  
Давлат бошқарув академияси тадқиқотчиси

**Аннотация.** Мақолада бюджет маблағларидан оқилон фойдалиниш ва бюджет интизоми мустаҳкамлашнинг замонавий масалалари, шунингдек, бюджет харажатларини режалаштириш жараёнидаги ажратилган маблағлардан фойдаланиш бўйича бюджет интизоми бузилиш ҳолатлари муҳокама қилинган ва хулоса ҳамда таклифлар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** бюджет маблағлари, бюджет интизоми, бухгалтерия, молиявий назорат, ички назорат.

**СОВРЕМЕННЫЕ ВОПРОСЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БЮДЖЕТНЫХ СРЕДСТВ И УКРЕПЛЕНИЯ БЮДЖЕТНОЙ ДИСЦИПЛИНЫ**

**Турабов Баходир Тохтамышович -**  
Научный сотрудник Академии государственного управления

**Аннотация.** В статье рассматриваются современные вопросы рационального использования бюджетных средств и укрепления бюджетной дисциплины. Также рассмотрены случаи нарушений бюджетной дисциплины в части использования выделенных средств в процессе планирования расходов бюджета и сформулированы выводы и предложения.

**Ключевые слова:** бюджетные средства, бюджетная дисциплина, бухгалтерский учет, финансовый контроль, внутренний контроль.